



2019 yil " 17, " _____ апрель № _____ 144

Farg'ona shahri

Фаргона вилоятида ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2900-сонли қарорининг 7-банди ва 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4040-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 февралдаги 05/1-4774-сонли топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 февралдаги 05/1-4774-сонли топшириғига асосан 2019 йилда ичимлик суви таъминоти хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ миқдорлари вилоятлар учун 50 сўм/м^3 , канализация таъминоти хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ миқдорлари вилоятлар учун 50 сўм/м^3 этиб белгиланганлиги ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят “Сувоқава” ДУК корхонаси (Ф.Кадиров)га вилоятдаги барча истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик суви таъминоти тариф нархларига 50 сўм/м^3 , канализация хизматлари тариф нархларига 50 сўм/м^3 миқдорида устама ҳақ белгилаш вазифаси топширилсин.

3. “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Рахимжонов), Марказий банк вилоят бош бошқармаси (Қундузов), “Сувоқава” ДУК (Кадиров) хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида ичимлик суви таъминоти хизматлари тарифларига белгиланган махсус устама ҳақ маблағларини Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантириш жамғармасига ўтказиш учун очилган махсус ҳисоб рақамига белгиланган тартибда йўналтирилишини таъминласин;

**23402000300100001010 Тошкент шаҳар МБ ХККМ, МФО 00014,
СТИР 201122919;**

**Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб
варақаси 401010860262667950100110001 СИТР 304931516 ОКЭД 84111.**

4. Ушбу қарор вилоят телерадиокомпанияси, “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” таҳририятлари ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қонуний кучга кириши белгилаб қўйилсин.

6. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 2017 йил 31 декабрдаги 636-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Тошпўлатов ҳамда ҳоким ўринбосари Д.Ходжихмедов зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ш.Ғаниев.